

ТАЪЛИМДА ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Бабаева Махфузা Абдуваитовна

Термиз мұхандислик технология институты асистенти

АННОТАЦИЯ

Илм фан ва техника ютуқлари асосида аниқ фанларни ўқитиши техноологиялари тақомиллаштирилмоқда. Таълим тизимиға эътибор барча мамлакатлар учун иқтисодиётни ривожлантириши, жасамият фаровонлигини таъминлаши кафолатидир. Таълим сифатининг юқорилиги билан эътироф этилган хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида фанлараро алоқадорликни амалга ошириши, жумладан, математика ва бошқа фанларни ўқитиши сифатини ошириши тенденцияларини амалиётга кенг татбиқ этилиши, математик масалаларни ечишда физик, химик ва биологик усуллардан ва аксинча бошқа фан масалаларини ечишда математик усуллардан фойдаланиши ўқувчиларнинг ахборот билан ишилаш маҳоратини оширишига, уларнинг ижодий ва танқидий фикрлаш қобилияtlарини ошошига хизмат қиласи, ўрганган билим, қўниқма ва малакаларини ҳаётда дуч келадиган турли хил вазиятларда қўллай лоши лаёқатини шакллантиради. Мақолада бир нечта масалаларни математик усуллар билан ечиши методикаси ёритилди.

Калит сўзлар: фанлараро алоқадорлик, математика, физика, биология, синхрон, асинхрон, функция, векторлар, координаталар.

Таълимда фанлараро алоқадорлик фанларни ривожланишида асосий тамойил ва зарурий шарт сифатида ифодаланади. Математика, физика ва астрономия фанларининг алоқадорлиги сон, функция, ҳосила, интеграл, дифференциал каби математик тушунчаларнинг самарали татбиқига сабаб бўлди. Биология, гуманитар фанлар ва математиканинг фанлараро қўлланишида — акс эттириш, бинар муносабат, тўплам, алгебраик муносабат каби тушунчаларни мукаммалроқ ишлаб чиқилишига сабаб бўлади.

Мактабда ўқитилаётган биология, кимё, физика, математика ўкув фанларини фанлараро алоқадорлик асосида ўқитиш ўқувчиларни амалий ва ижодий қобилияtlарини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Фанлараро боғланишда синхрон ва асинхрон боғланишлар фарқланади. Синхрон боғланиш деганда, ўкув фанлари мавзулари дастур ва ўкув режаси асосида синфлараро параллел боғланишлар (математика физика, биология, кимё, география в.б.) тушунилади. Асинхрон боғланиш деганда, ўкув фанлари мавзулари дастур ва

ўқув режаси асосида аввалги синфларда ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш орқали синфлараро (“Математика” 5-6, “Алгебра” 7, “Алгебра” 8, “Геометрия” 8, “Алгебра” 9, “Геометрия” 9, “Математика” 10-11синфлар) боғланиш тушунилади. Математика ва табиий фанлар ўзаро узвий боғланган бўлиб, математиканинг бўлимлари орасидаги боғланишни кичик ва юқори синфлар дарсликлари таҳлилилида ҳам қўриш мумкин: 5-6-синфларда бошланғич алгебра ва геометрия умумлашган ҳолда берилган бўлса, юқори синфларда математик анализ ва аналитик геометрия курсини ўз ичига олган дарсликлар яратилган [3]. Фанлараро боғлиқликда 7-8 синф алгебра дарсликларида [1,2] (7-синфда бир номаълумли биринчи тартибли тенгламалар, чизиқли функция бобида, 8-синфда тенгламалар системаси, квадрат функция, тенгсизликлар бобида) физикадан тезликка оид, кимёдан аралашмаларга оид, биологик жараёнларга оид масалаларни учратиш мумкин, шунингдек, юқоридаги фанлардаги масалаларни ечиш математик тушунчаларни тўғри тадбиқ қилиш заруриятини келтириб чиқаради [4, 5].

Агар бундай масалаларда мотивация ва қизиқарлилик устувор функциялардан бўлса, матнлар ҳаётий сўзлар билан бойитилса, турмушда дуч келадиган топшириқлар берилса, ўқувчида илмий, ҳаётий дунёқарашлар ривожланади(юза тушунчаси мисолида қарайдиган бўлсак, дарс столингни юзи неча квадрат см, уйларингдаги экин майдони неча сотих, ҳар қанча майдонга помидор кўчати ўтқазилади, 1 квадрат майдондан қанча ҳосил олса бўлади ёки 1 квадрат майдондан қанча даромад қўриш мумкин каби бир-бирини тўлдирувчи топшириқлар).

Илмийлик жиҳатидан 7-8 синфларда алгебра ва геометрия фанлари интеграцияси қўйидагилардан ташкил топади:

1. Тўплам назарияси - функция тушунчасини ишлаб чиқиш имконини бериб, математика бўлимларининг чизиқли , квадрат функция ҳамда параллел кўчириш, ўхшашлик алмаштиришлари, симметрия каби назарияларини бирлаштиради [3].

2. Координаталар методи – декарт координаталар системасида нуқтани ясай олиш, ўрнини аниқлаш ҳамда геометрик шаклларнинг элементлари, хоссалари орасидаги боғланишни ифодалайди (шакллар юзаларини, кесма узунлигини, нуқтадан тўғри чизиққача бўлган масофани) [3].

3. Векторлар- алгебраик ҳисоблашлар асосида геометрик масалаларнинг ечимини топишга ёрдам беради(юзалар, кўпёклар ҳажми).


4. Мантиқ –нафақат математика бўлимларида, балки бошқа фанларда ҳам қўлланиладиган умумийликни ифодалайди.

10-11 синф математика фанида ҳосила ва интеграл мавзуларида тезлик ва тезланишга, оний тезликка оид масалаларнинг берилиши, бу мавзулар бўйича билим, малака ва қўникмаларни физика фанидаги суюқлик парчаланиши ва тезлиги, радиоактивт чўкиш, ток кучининг ўзгариши, тўлқин ва тебранишлар мавзуларида қўллаш имконини беради. Физика фанида қўлланиладиган асосий тушунчалардан бири функциядир. Ихтиёрий физик қонун математик форма орқали, яъни қандайдир физик катталиклар орасидаги боғланишни ифодаловчи функция кўринишида ёзилса тўлиқ талқин қилинган дейилади. 10 синфда аргумент ва функция орттирмаси тушунчаси физикада оний тезликда (9 синф), 11- синфда векторлар ва координаталар мавзуси физика фанининг механика бщлимида, логарифмик, кўрсаткичли, тригонометрик функциялар ва уларнинг графиклари- физик жараёнлар ва ҳодисаларни анализ қилиш, механик ҳаракатнинг мумкин бўлган барча ҳоллари, газлардаги изожараёнлар, симметрия мавзусини ўрганиб молекулалар ва кристаллар қурилиши, электр ва магнит майдон тасвирини ўрганишда қўлланилади. Ўрганилган илмий холосаларга таяниб алоқадорликни акс эттирувчи топшириқларни компетенциявий ёндашув негизида шакллантириш асосида математик тушунчалар муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланган. (Масалан, ер радиуси - $6,4 \times 10^3$ км, атом радиуси – 10^{10}).

Фанлараро боғланишда қуйидаги математик тушунчалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ : - сонли ва ҳарфий ифодалар, тенгламалар, даража, каср, ўнли каср, соннинг стандарт шакли, пропорция, фоиз, функция, илдиз, координаталар усули, векторлар, кўпёқлар, айланиш жисмлари ва улар устида ҳисоблаш ишлари [3]. Табиий фанлардан топшириқларни бажаришда математик билимлардан фойдаланишни шакллантиришда ўқитувчидан биринчи навбатда масаланинг матнини ўқувчига тўғри ўқишини ўргатиш, анализ ва синтез қилиш жараёни, таянч ва фанга оид компетенцияларни ривожлантиришни талаб қиласди. Аксарият физик, биологик ва кимёвий масалалар тенгламалар системаси, пропорциялар ёрдамида ишланиши математика фанини фанлараро алоқадорликда ташкил этишни тақозо этади.. Тенгламалар бошланғич синфларда ўргатила бошланади, 5-6-синфга келиб ечишнинг оддий усуллари баён қилинса, 7-синфдан бошлаб тизимли равишда ўрганилади.

Ўқувчилар физика, кимё дарсларида тенгламалар тузиб ечишга қийналмасликлари учун, математика дарсларида физиковий жараёнга оид тенгламаларни тузиш ва ҳарфий ифодалар билан белгилашларда узвийликни тўғри амалга ошириш лозим. Физика ва математика фанларини фанлараро ўқитилишида вектор ва скаляр катталиклар, функциялар, тенгламалар, кетма кетлик ва функция лимити, ҳосила ва интеграл каби тушунчалар қўп ишлатилади. Функция тушунчаси, турлари, графики, тўплам орасидаги

муносабат, мослик, хоссалари кабитушунчаларни яхши ўзлаштирган ўқувчи физик муносабатларни тушунади ва билимида бўшлиқ пайдо бўлмайди.



Математик тушунчаларни билмаслик эса, чалкашлик ҳосил бўлишига фанлараро тушунчаларни тўлиқ ва чуқурроқ эгаллашга имкон бермайди.

Фанлардаги умумий фанлараро тушунчалар орасидаги синфлараро ва битта фан ичидағи айрим мавзулар таҳлилини 2.3- расмда келтирдик.

2.3-расм. Фанлараро алоқадорликда синхрон ва асинхрон боғланиш.

Алгебрадаги чизиқли функция, унинг графиги тушунчаси (7-синф) физикадаги текис тўғри ҳаракат (7-синф), жисмларнинг ўзаро пропорционаллик ҳолати мавзуларини ўзлаштиришда фойдаланилса, тўғри ва тескари пропорционаллик ($y=kx$, $y=k/x$), сонли ва ҳарфий ифодалар (7-синф), уларнинг сонли қийматини топишда амалларнинг тўғри бажарилиш кетма-кетлиги, соннинг стандарт шакли (7-синф), кимёвий формулалар (7-синф), пропорция ва унинг хоссаларидан кимё фанидаги таркибнинг доимилик қонуни (8-синф) мавзуларидағи масалаларни ечишда қўлланилади [5]. Математикада $y=kx+b$ каби энг содда функция ҳам, мураккаброқлари ҳам, айниқса тригонометрик функциялар, умумий ҳолда ўрганилиб, математик тушунчалар, усуллар, хulosалар, қонунлар, натижалар характеристида бўлган масалаларда қўлланилади. Геометриядаги векторлар ва унинг тадбиқини (8-синф) (векторларни қўшиш, айриш, сонга кўпайтириш, векторларнинг скаляр, вектор, аралаш кўпайтмаси) мукаммал ўргангандан ўқувчи учбурчак, параллелограмм элементларини, юзаларини, кўпёқ ҳажмини координаталар усулида осонгина ҳисобласа, физикада қучларни, тезликларни қўшиш (8-синф) мавзусида қийналмайди. Демак, фанлараро боғланишда қўлланиладиган тушунчалар дарс жараёнида бир фанда ўтилганда иккинчи фандаги маълумотларни, албатта ўқувчиларга, муаммоли вазият яратиб (масалан, математикадан физик масалалар ечишда тезлик, вақт, масофа тушунчалари, бирликлари, хаётдаги қайси вазиятларда учраши) ўқувчини ишлата олса, мақсадга эришилади.

7- синфда “Бирҳадлар ва кўпҳадлар” бобидаги “ Натурал кўрсаткичли даражада” мавзусини мустаҳкамлашда, қўшимча топшириқ сифатида даражали соннинг охирги битта, иккита рақами, қандайдир сонга бўлгандаги қолдиқ каби мисоллар ўқувчилар қизиқишига, янги усулларни яратишга омил бўлади. Тадқиқот давомида дарсларда мавзулар билан боғлиқ фанлараро масалалар ечиш орқали ўқувчиларда таянч компетенцияларнинг ривожлантирилди.

1-масала: Уйидан мактабгача 900 м бўлган масофани, ўртача тезлиги 3 м/с бўлган ўқувчи қанча вақтда босиб ўтади? Агар у соат 7:53 да чиқса, мактабга улгурадими?

Ечиш: масала ҳаракатга доир бўлиб, физика фанидаги тезлик формуласини қўллаш орқали ечилади. $t=S/V=900\text{m}/(3\text{m/c})=300\text{c}=5 \text{ мин}$, демак улгуради.

2-масала. Предмет аниқ баландликдан ташланди. Эркин тушаётган предметнинг 10 с дан кейинги тезлигини топинг? ($g=10\text{m/s}^2$).

Ечиш: $V=gt=10\text{m/s}^2 \cdot 10\text{s}=100\text{ m/s}$ физикавий масалани ечишда математик ҳисоблашлардан фойдаланилди.

3-масала. Агар одамга нафас олиш учун бир минутда 250 мл кислород керак бўлса, 1 кун ёки 1 хафтага қанча кислород сарфланишини ҳисобланг. Кислород қўпайиши, ҳавони тозалаш учун қандай ишларни амалга ошириш керак деб ўйлайсиз? Масала ечиш нафақат ҳисоб ишларини, балки мулоҳаза юритиш орқали ҳаётий саволларга жавоб топишни талаб қиласи, натижада таянч компетенцияларни ривожлантиради [3].

Масала ҳаётий воқейликка асосланган, қизиқарли ва математик ҳисоб ёрдамида ҳисобланади.

Ечиш: $60 \cdot 250 \text{ мл} = 15000 \text{ мл}; 24 \cdot 15000 = 360000 \text{ мл} = 0,36 \text{ л.}$

4-масала. ABC учбурчакнинг BD медианаси давомида D нуқтадан кейин медианага тенг DE кесма қўйилган. C уч орқали AB тўғри чизиқка параллел p тўғри чизик ўтказилган. p тўғри чизиқнинг E нуқта орқали ўтишини исботланг.

Берилган: $CF \parallel AB$, BO медиана бўлгани учун $AO=OC$, $BO=OE$.


Исбот қилиш керак: p тўғри чизиқнинг E нуқта орқали ўтишини.

Исбот: Фараз қиласи p тўғри чизик E нуқтадан ўтмасин, p тўғри чизиқнинг BE тўғри чизик билан кесишиш нуқтаси F бўлсин. AOB , COF ва COE учбурчакларни қараймиз. $CF \parallel AB$ бўлгани учун AC кесувчи учун $\angle BAC = \angle FCA$ (ички алмашинувчи), $\angle BOA = \angle FOC$ (вертикал), $AO = OC$ (BO медиана тушган томонни тенг иккига бўлгани учун) бўлади. Демак, $\Delta AOB = \Delta COF$ (BTB). Бундан $BO = OF$ эканлиги келиб чиқади, лекин шартга кўра $BO = OE$, бундан F нуқта E нуқта билан устма-уст тушиши келиб чиқади. Демак, фаразимиз хато экан.

Масалани тушунтиргач, ўқувчига қуидаги шунга ўхшаш масалани бериб, тушунтирилган мулоҳазаларни мустаҳкамлаш мумкин.

ABC учбурчакда CD медиана давомида бу медианага тенг DE кесма қўйилган. AF медиананинг давомида AF медианага тенг FH кесма қўйилган. B , H , E нуқталар битта тўғри чизиқда ётишини исботланг.

2-масала. Соат 5:55, қанча вақтдан сўнг соат ва минут миллиари уст тушади.





Хозир соат ва минут миллари орасидаги бурчак 210° га тенг.

$$6x = 0,5x + 210, \quad 5,5x = 210, \quad x = \frac{210}{5,5} = 38\frac{2}{11}$$

минутдан сўнг улар устма-уст тушади.

Хулоса қилиш мумкинки, таълимда фанлараро алоқадорликни амалга ошириш -математика ва табиий фанларда синфлардаги ўзаро узвийликни таъминлаш ҳамда ҳаётий масалалар билан бойитиш муҳимлигини кўрсатади. Бу фанларни интеграция қилиш, яъни математика ва табиий фанлардан фанлараро масалаларни киритиш, дарс ва тўгаракларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш, хисоблаш, моделлаштириш кўникмаси, функционал боғланиш, тенгламаларни ечиш каби жараёнларда ўрганилган билимлардан таниш вазиятларда фойдалана олишни шакллантириш, натижада нотаниш вазиятларда билим ва кўникмаларни қўллай олиш малакасини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади [3].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Алимов Б.Н. Компетенциявий ёндашув-ўқувчиларнинг математик саводхонлиги ва маданиятини ошириши воситаси сифатида.// “Узлуксиз таълим” илмий услубий журнали. №1.2015. – 128 б.
2. Алимов Ш.А, Холмуҳамедов О.Р, Мирзааҳмедов М.А. Алгебра. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик.- Тошкент: Ўқитувчи, 2017.- 45 б
3. С.Л.Фоменко. Структура и содержание образовательной программы школы в условиях реализации компонентностной модели образования. Образование и наука.2010.11(79). <https://elibrary.ru>
4. Алимов Ш.А, Холмуҳамедов О.Р, Мирзааҳмедов М.А. Алгебра. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик.- Тошкент: Ўқитувчи, 2006.- 176 б
5. Алимов Ш.А, Холмуҳамедов О.Р, Мирзааҳмедов М.А. Алгебра. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик.- Тошкент: Ўқитувчи, 2019.- 179 б